

ШАРТНОМА № 19

«31» август 2022 йил

Кукон шахар

«MARKET MAGNET» МЧЖ номидан рахбари **Ортиков О.** бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **Кукон** ихтисослаштирилган санъат мактаби номидан рахбар **Э.Садикова** юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширигандан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдор	Нархи	Суммаси	Суммаси ҚҚС билан
1	Жалюзи парда	М2	287	97500	27 982 500	ҚҚС сиз
	Жами		287		27 982 500	ҚҚС сиз

Шартномавий умумий баҳоси: 27 982 500 (Йигирма етти миллион туккиз юз саксон икки минг беш юз) сум. ҚҚСсиз

(рақамлар, езувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган ҳолда қушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 1(бир ой) муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Товарлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган товар қисман етказиб бермаса харидор яни бюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш хуқуқига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш хуқуқига эга;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган маҳсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5 % микдоридан «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги махсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдоридан жарима тулайди.

8.4 «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдоридан «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунидан оғохлантириши шарт.

9.3. Оғохлантириш хати (почта) орқали юборилади.

9.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда оғохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» августдан 2022 йил «31» декбаргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга киради.

XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1, Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради,

4, Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзини ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилишн, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад экаплиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкни асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича

бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибуторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) ниебатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарии тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«MARGET MAGNET» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фарғона вилояти

Тел./факс () _____

х/в: 20208000805505366001

Банк номи : Ҳамкорбанк Кўкон ш

МФО: 00956 СТИР: 309 375 397

ОКОНХ: _____

«Буюртмачи»

«Кукон ихтисослаштирилган санъат мактаби»

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Кукон шаҳар, Адабиёт кучаси

Тел./факс: 90 564 39 82

ш/хр: 100010860304057092300051001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200 131 124

ОКОНХ _____

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Молия вазирлиги

Ҳазначилиги

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ХККМ

МФО _00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122910

Раҳбар: Э.Садикова

Раҳбар: Ортиқов О.



(имзо)

М.Ў.



(имзо)

М.Ў.

Юрисет: Абдушев А

ТАСДИКЛАЙМАН
Кўкон ихтисослаштирилган санъат мактаби
директори:  Э.Садикова
«31» август 2022й



19 08 2022й йил кунги 22110012140469 лот раками билан Кукон шаҳар ихтисослаштирилган санъат мактаби укув биносига жалюзи парта сотиб олишга etender.uzex.uz платформасига энг яхши таклифларни танлаб олиш учун жойлаштирилган эълон натижасини аниқлаш учун харид комиссиясини йиғилиш баёни

БАЁН № 32

Қатнашдилар:

Комиссия раиси: Касбий таълим директори.

С.Рузматов

Комиссия аъзолари:

Бош ҳисобчи:

З.Джамолова.

Директор уринбосари:

С.Холматов

Хужалик мудир:

К.Назиров

Касаба уюшмаси раиси:

Ю.Эгамбердиев

Ушбу элонга 2 нафар лойихачи ташкилотлар қатнашди. Жумладан:

«Учқурик Иссиклик Курилиш» Х/К

«Market Magnet» МЧЖ томонидан таклифлар келиб тушган.

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари томонидан 26 08 2022йил кунги ўрганиб чиқиб баҳоланган ва 2 кун муҳокамага қўйилган.

Кукон шаҳар ихтисослаштирилган санъат мактаби укув биносига жалюзи парта сотиб олишга «Market Magnet» МЧЖ ғолиб этиб топилди. Ушбу ташкилот билан шартнома тузилди. 31 08 2022йил кунигача ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади.

Комиссия раиси: Касбий таълим директори.

С.Рузматов

Комиссия аъзолари:

Бош ҳисобчи:

З.Джамолова.

Директор уринбосари:

С.Холматов

Хужалик мудир:

К.Назиров

Касаба уюшмаси раиси:

Ю.Эгамбердиев